




ТДИУ



ЎзР ТРВ



ОАК



ЎзР БПД

YalT jurnali, 2023 yil, aprel. № 4-son.



SHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT



Ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy, ilmiy, ommabop oylik jurnal



Аннотация: мақолада рақамли иқтисодиёт тушунчаси, рақамли иқтисодиётта берилган таърифлар, рақамли иқтисодиётга хос бўлган технологик ўзгаришлар, рақамли иқтисодиётнинг аҳоли бандлигига таъсири, миллий рақамли иқтисодий хавфсизлик тизимини яратиш, ЯИМда ахборот-коммуникация технологиялари улуши, баъзи кўрсаткичлар ҳамда ушбу соҳада фойдаланилаётган махсус дастурий воситалар сони таҳлил қилган. Мамлакатда рақамли технологияларнинг маҳаллий платформаларини яратиш механизмлари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши, миллий рақамли иқтисодий хавфсизлик, дастурий воситалар, мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичлари.

Аннотация: В статье анализируется понятие цифровой экономики, определения цифровой экономики, технологические изменения, присущие цифровой экономике, влияния цифровой экономики на занятость, создание национальной системы цифровой экономической безопасности, доля информационно-коммуникационных технологий в ВВП. Также был предложен механизм для создания локальных платформ цифровых технологий в стране.

Ключевые слова: цифровая экономика, развития цифровой экономики, цифровая экономическая безопасность стран, программная средства, экономические показатели стран.

Аннотацию: The article analyzes the concept of the digital economy, definitions of the digital economy, technological changes inherent in the digital economy, the impact of the digital economy on employment, the creation of a national system of digital economic security, the share of information and communication technologies in GDP. Mechanisms were also proposed to create local digital technology platforms in the country.

Key words: digital economy, development of the digital economy, digital economic security of the country, software, economic indicators of the country.

Кириш

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш бўйича барча тармоқлар ва соҳаларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аввало шуни таъкидлаш лозимки, рақамли иқтисодиёт ўзаро боғлиқ ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнлари занжиридан иборат бўлиб, унинг ажралмас элементи занжирлар (инсон, ахборот, маълумотлар марказлари) ўртасида рақамли технологиялар ёрдамида узатиладиган маълумотлардир.

Давлатнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлаганлиги ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон ҳужжатлар айланмаси соҳасида янги йўналишлар очиб беради. Рақамли технологиялар томон бурилишга бутун жаҳон интернет тармоғи ва сифатли алоқанинг ривожланиши сабабчи бўлди. Бу рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши, ахборот соҳасида инқилоб ва иқтисодиётнинг глобаллашув жараёнларини тезлаштириш билан ажralиб турди. Улардан фойдаланиш самарадорлиги ортиб бораётган билимга айлантирилди ва ижтимоий-иктисодий алоқалар тобора кенгайиб бормоқда. Бозор субъектларининг фаолиятида рақамли трансформацияларнинг асосий омили рақамли маданиятни ривожлантиришдан иборат. Жамиятни ижтимоий ва иқтисодий ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида атроф-муҳит жамиятнинг институционал тузилишига хос хусусиятларини келтириб чиқармоқда ва бу асосда янги тушунчалар ва ёндашувларни шакллантиришга зарурат туғдиради.



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ – ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА IT ПЛАТФОРМАЛАРИ

Ҳозирда, Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш Концепцияси билан жаҳон иқтисодиёти ривожланиши тенденциялари ҳисобга олинган ҳолда, миллий иқтисодиётни ривожлантириш вариантларидан бири сифатида айни бир вақтда иқтисодиётни рақамлаштириш орқали меҳнат унумдорлигини ва сифати ошириш асосида иқтисодиётни янада ривожлантириш вазифаси игари сурилмоқда.

Шундай экан, иқтисодиёт ва жамиятнинг «рақамлаштириш» жараёни ҳақида гапиргандан, биринчи навбатда, терминологияга аниқлик киритиш керак. Энг кенг маънода «рақамлаштириш» жараёни одатда ахборотни яратиш, қайта ишлаш, алмашиш ва узатиш учун рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва ўзлаштириш ташабbusи билан бошланган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришни англатади.

Рақамли иқтисодиёт тушунчасига бир қатор таърифлар берилган. Жумладан, иқтисод фанлари доктори, Россия Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В.Иванов «Рақамли иқтисодиёт – ҳақиқатимизни тўлдирадиган виртуал мухит», деб таъриф берган. Томск давлат университети профессори Р.Мешчерьяковнинг сўзларига кўра, “рақамли иқтисодиёт” атамасига иккита ёндашув мавжуд. Электрон товарлар ва хизматларнинг эксклюзив соҳасини тавсифловчи рақамли иқтисодиёт ҳамда рақамли технологияларга асосланган рақамли иқтисодиёт. Биринчи ёндашув “классик” деб номланиб, классик мисоллар – телетиббиёт, масофавий таълим, доридармонларни сотиш (фильмлар, телевизорлар, китоблар ва бошқалар). Иккинчи ёндашув: «рақамли иқтисодиёт» – бу илғор рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда иқтисодий ишлаб чиқаришdir.

М.Л. Калужский рақамли иқтисодиётни иқтисодий интернет фаолияти, шунингдек уни амалга ошириш шакллари, усуслари, воситалари ва алоқа муҳити деб таърифлаган. Манбаларда келтирилишича, «рақамли иқтисодиёт» иқтисодиётнинг бундай тури маълум даражада амалда ишлайдиган турдаги модел ҳисобланади. Рақамли иқтисодиёт – бу маълум бир кибержисмоний (киберфизическая) тизим пайдо бўладиган, инсон ҳаёти учун зарур ва қулайликни таъминлайдиган маҳсулотлар ва хизматларни яратадиган ишлаб чиқариш мажмуаси, ишлаб чиқариш тизимиdir. Бизнинг фикримизча, рақамли иқтисодиёт – бу ишлаб чиқариш мажмуасида одамларга қулайлик яратадиган маҳсулотлар ва хизматларни яратадиган виртуал мухит ҳамда рақамли технологиялардан фойдаланадиган иқтисодий ишлаб чиқариш тизимиdir. Шунингдек, рақамли иқтисодиёт расмийлаштирилиши мумкин бўлган барча нарсани ўз ичига олиши мумкин, яъни мантиқий схемаларда ифодаланиши мумкин. Ҳаётнинг ўзи бу “нарсаларни” ишлаб чиқариш, тақсимлаш, алмаштириш ва истеъмол қилиш тизимига айлантиришга имкон беради. Дарҳақиқат, аввал инсоннинг руҳий оламида жойлашган дунёнинг виртуал қисми ишлаб чиқариш кучи бўлмаган янги ғоялар ва маҳсулотлар яратилган мухит эмас эди.

Глобал ахборот тизимида мавжуд бўлган очиқ маълумотлардан фойдаланган ҳолда бир нечта ривожланган мамлакатлар мисолида рақамли иқтисодиёт инфратузилмаси шаклланишининг асосий кўрсаткичлари ва унинг хусусиятлари билан танишамиз :

Интернет пайдо бўлишидан олдин бўлмаган янги хизмат турларининг вужудга келиши. 1990 йилдан то ҳозирги кунгача интернет ва ахборот технологияларидан фойдаланишга асосланган маҳсулотлар ва хизматларнинг бир қатор янги бозорлари пайдо бўлди. Масалан, мессенжерлар, агрегаторлар, интернет қидирув тизимлари, интернет-реклама, электрон тренинг, электрон таълим ва бошқалар. Электрон тижоратни янги турдаги хизматлар пайдо бўлишининг яққол намунаси дейиш мумкин. 2017 йилда электрон тижорат Буюк Британияда чакана савдонинг 13,6 фоизини, Германияда 13,1 фоизини, Россияда 4,2 фоизини ва Хитойда 9,6 фоизини ташкил этди. 2016 йилда Хитойнинг интернет-савдо айланмаси 400 млрд долларни ташкил этди.



Жамият тараққиёти электрон бизнеси ривожлантириш ва бошқариш учун янги имкониятларни яратмоқда. Масалан, маълумотларни сақлаш ва бошқариш хизматлари бизнес учун мислсиз имкониятларни тақдим этмоқда. Фирма ва ташкилотларга энди оғис учун бино, маълумотларни қайта ишлаш марказлари керак эмас ва ахборот тизимларини яратишга катта маблағ сарфлаш зарурати йўқ.

Электрон бизнес компанияларида капиталлаштириш фойдаланувчилар сонининг кўпайишига боғлиқ бўлади. Фойдаланувчилар сонининг ортиши компанияларда савдо тушуми ортишига олиб келади. Масалан, YouTube кунига 100 млн сўров қабул қиласи, Facebook эса 2 млрдан ортиқ фойдаланувчига эга. Худди шу омил жуда катта фойдаланувчилар гуруҳини ҳосил қилиши мумкин. Бу фақат капиталлаштиришни оширибгина қолмай, балки реклама орқали жуда кўп пул олиб келади. Масалан, 2015 йилда биргина реклама орқали Facebook 26,9 млрд доллардан ортиқ пул ишлаб топди. 2016 йилда Facebook нинг йиллик даромади 27,6 млрд долларни, соғ фойдаси 10,2 млрд долларни ташкил этди. Демак, рақамли иқтисодиёт – бу бизнес учун улкан имкониятларни яратадиган янги иқтисодий муҳитидир.

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши халқаро бизнеснинг ички ва ташки мухитига таъсир қилиши мумкин. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида катта ўзгаришлар юз бериб, улар компания фаолиятининг турли соҳаларига таъсир этмай қолмайди. Компаниялар ўз маҳсулотларини интернет орқали бутун дунё бўйлаб сотишлари мумкин. Кичик сармояга эга компаниялар тезда пайдо бўлиши ва шиддат билан ўсиши мумкин. Ахборот технологиялари ёрдамида иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларида харажатларни камайтириш ва шу билан бирга меҳнат унумдорлигини ошириш имкони пайдо бўлади.

Рақамли иқтисодиёт – бу нолдан бошлаб яратилиши лозим бўлган қандайдир бошқача иқтисодиёт эмас. Бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш деганидир.



1-расм. Рақамли иқтисодиёт платқормаси.

Рақамли иқтисодиётни шакллантириш маълум бир базага эга бўлиши керак. Улар куйидагилардан иборат:

- Рақамли инфратузилма ва алоқа стандартларини ривожлантириш;



- Ахборот хавфсизлиги;
- Онлайн хизматларни кенгайтириш;
- Фуқароларнинг интратармоқ ва онлайн алоқаларга бепул киришини таъминлаш;
- Рақамли экотизимларда ахборот оқимини ва билимларни бошқаришни такомиллаштириш.

Рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва амалга оширишнинг муҳим жиҳати, авваламбор, қуидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган давлат минтақавий сиёсатини амалга оширишдир. Ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини ва инновацион фаоллигини ошириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишда минтақалараро номутаносибликни минималлаштириш, минтақалараро алоқаларни мустаҳкамлаш ва инсон салоҳиятидан оқилона фойдаланиш зарур.

Иқтисодиётни рақамлаштириш жараёнида баъзи етакчи мамлакатлар қарама-қарши ёндашувни танладилар. Масалан, АҚШ бозор йўналишини танлаган бўлса, Хитой режали иқтисодиётни танлаган.

Хуласа қилиб айтиш мумкин-ки, биз рақамли технологиялардан фойдаланиш ва қўлланилиши, уларнинг оммабоплиги ва сифати, тайёрлаш ва ривожлантиришнинг турли босқичларига алоҳида эътибор қаратишимиш, мажбурий мактабгача таълимнинг техник маҳоратини оширишимиз ҳамда олий таълим ва докторантурга дастурларини корхона ва ташкилотлар билан боғланган ҳолда амалга оширишимиз лозим.

Юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазалардан ушбу ижтимоий йўналишларнинг ижтимоий муҳит учун аҳамияти, уни ресурсларимиз чекланганлиги боис биз ўз кучимизни қайси йўналишга йўналтишимиз зарурлигини ҳал қилиб олишимиз керак. Ҳал этиш учун таклиф этилаётган иккита йўл бор: биринчisi технологияни ижтимоий жиҳатдан мослаштириш, иккинчisi эса маҳаллий технологик базани кенгайтиришни тақозо қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Вахобов А., Жумаев Н., Хошимов Э. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш усууллари” Тошкент: «Академнашр» 2009. 123.-б.14.
2. Вахобов А., Маликов Т. Финанс: Общие вопросы. Ташкент: «ЭКОНОМИКА» 2008. 354 с. 15
3. Авазов Н., (2020). Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш рақамли иқтисодиёт ва АҚТнинг роли. Архив научных исследований, (23)



МУНАДАРИЖА

<u>«Яшил иқтисодиёт»га ўтиш стратегияси.....</u>	3
Кўнғиротбой Шарипов, т.ф.д. проф. ТДИУ ректори	
<u>Тараккиёт муаммоларида институционал ечим.....</u>	4
Абдураҳманова Гулнора Қаландаровна, ТДИУ и.ф.д. проф.	
<u>Яшил йўлаклар истиқболли.....</u>	11
Муҳиддин КАЛОНОВ, ТДИУ и.ф.д., проф.	
<u>«Яшил иқтисодиёт»га ўтиш стратегияси ва унинг моҳияти.....</u>	15
Муҳиддин КАЛОНОВ, ТДИУ и.ф.д., проф.	
<u>Сув ресурсларини асрарининг «Яшил макон» умуммилай лойиҳаси билануйғунлиги.....</u>	27
Ҳакимов Назар Ҳакимович, ТДИУ ф.ф.д., профессори.	
<u>«Зеленая экономика» в Узбекистане: взаимосвязи, проблемы и пути решения.....</u>	36
Беркинов Б.Б., ТГЭУ, Академик Международной Академии информатизации, д.э.н., профессор	
Неделькина Н.И., ТГЭУ, старший научный сотрудник	
<u>Кредитлаш рискини бошыаришнинг назарий-амалий метадологияси.....</u>	44
Мирзоев Феруз Мамуржонович, Тошкент Кимё халқаро университети Мустақил изланувчиси	
<u>Дунёда рекламанинг пайдо бўшлиши ва ривожланиши.....</u>	53
Самадов Асқаржон Нишонович, ТДИУ профессори, и.ф.н.	
<u>Тўқимачилик кластерлари: инновацион риожланиш тенденциялари.....</u>	60
Ҳакимов Зиёдулла Аҳмадович, ТДИУ, Маркетинг кафедраси доценти, PhD	
<u>Кичик бизнес субъектлари экспорт салоҳиятини оширишда воситачи экспорт ташкилотларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги.....</u>	71
Носирова Наргиза Жамолиддин қизи, ТДИУ и.ф.ф.д.(PhD), доцент	
<u>Ерлардан фойдаланишда соликларнинг ахамияти ва натижадорлиги.....</u>	83
Турсунов Акмалжон Абдурашидович, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солик тўловчиларга хизмат кўрсатиш департаменти бошқарма бошлиғи ўринбосари	
<u>Мехнат интенсивлигини аниқлашнинг методологик асослари вакӯрсаткичлари.....</u>	89
Тухтабаев Жамшид Шарафетдинович, ТДИУ и.ф.ф.доктори (PhD), доцент	



<u>Кўчмас мулкни баҳолаш фаолиятини тартибга солишнинг институционал асослари</u>	96
Ишонқулов Низомжон Файзуллаевич, Тошкент молия институтининг илмий тадқиқотчиси	
<u>Информационно-коммуникационные технологии как ключевой фактор конкурентного преимущества страны</u>	102
Абдуразакова Н.Р., самостоятельный соискатель, Ташкентский экономический педагогический институт	
<u>Хотин-қизлар ижтимоий фияоллигини ошириш долзарб</u>	113
Қодиров Нажмиддин Неъматович, ТДИУ, тарих фанлари номзоди, доцент	
<u>«Яшил иқтисодиёт»га муқобил йўқ</u>	119
Муталиб Юдашев, и.ф.д., проф.	
<u>Корпоратив бошқарувнинг иқтисодий ривожланиш шароитларига мослашувчан институционал ва функционал механизmlари</u>	128
Исмаилов Аллаёр Рашидович, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, "Корпоратив бошқарув" кафедраси PhD катта ўқитувчиси	
<u>Таксономия – это конституция «зеленого» рынка</u>	134
Авджи Алина Алимовна, ТГЭУ ассистент	
<u>Renewable resources perspectives for sustainable energy in Uzbekistan</u>	140
Surayyo Kushbakova, PhD student at the university of World Economy and Diplomacy	
<u>Бозор тадқиқотлари хизматларини кўрсатувчи маркетинг тадқиқот компаниялари фаолияти</u>	147
Шаропова Нафосат Раджабовна Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти, Рўзмаматов Аббос Толибжон ўғли, Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистранти	
<u>Рақамли иқтисодиёт шароитида тўғридан-тўғри инвестицияларни: иктисодий ўсишга таъсири</u>	153
О.Р.Бозорова, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ассистенти	
<u>Трансформациялаш жараёнида банк фаолиятини рақамлаштиришни фаоллаштириш имкониятлари</u>	160
Камилова Ирода Хусnidдиновна, и.ф.д (PhD), ТДИУ доц.	
<u>Электрон тижоратни институционал такомиллаштириш</u>	166
Мирзажонова Мафтұнахон Жаҳонгир қизи, ТДИУ "Менежмент ва маркетинг" кафедраси ўқитувчиси.	
<u>Ташкилотда низолар пайдо бўлишининг назарий жиҳатлари ва уларни ҳал қилиш усуллари</u>	172
Холикова Сабоҳат Абдукарим қизи, ТДИУ, Корпоратив иқтисодиёт ва менежмент кафедраси ассистенти	



Тижорат банкларининг инвестициявий фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари: хорижий мамлакатлар мисолида.....	179
Мирҳайдарова Моҳира Миракбар қизи, ТДИУ мустақил тадқиқотчisi	
Банк фаолиятида рискларнинг ўзара алоқасини таккослаш ва идентификациялаш масаласига доир.....	186
Баймуратова Гулирайхон Турсунбаевна, PhD	
Малакали дзюдочиilarни тайёрлашда буралиб улоктириш бўйича малака тавсиялар.....	193
Тангриев Абдулла Товошевич, Мустақил тадқиқотчи	
Тадбиркорлик фаолияти учун эркин иқтисодий зоналарда қулай инвестициявий муҳит яратиш	201
Абил Аманиязович Матекеев, Қорақалпоқ Давлат университети мустақил изланувчisi	
Замонавий бошқарув концепцияларидан фойдаланган ҳолда акциядорлик жамиятини ахборот билан таъминлашда бошқарув ҳисобининг аҳамияти	206
Сайдакбаров Хусниддин Абдисаломович, ТДИУ и.ф.д., доцент	
Тижорат банклари фаолиятини трансформация жараёнларида ракамаштиришнинг ўрни	211
В.Кайтаров. БТОМ таянч доктаранти	
Ўзбекистоннинг яшил иқтисодиётга ўтиш стратегияси ва унинг моҳияти	220
Бутабоев Махаммаджон, Фаргона Политехника Институти, «Иқтисодиёт» кафедраси, и.ф.д., профессор	Исманов Иброҳим Набиевич, Фаргона Политехника Институти, «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси, и.ф.д., профессор
Кичик бизнес субъектларидаги технологияларни кредитлаш амалиётида гаров таъминотини баҳолаш механизmlари	233
Захидова Зулфия Халилуллаевна, ТДИУ мустақил изланувchisi.	
Банклараро соғлом ракобатни шакллантиришнинг долзарб масалалари	239
Тлеуов Медет Абдимуратович, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети мустақил изланувchisi	
Банкларнинг чакана хизматлар амалиётини таомиллаштириш долзарблиги	244
Пўлатов Қахрамон Шарифжонович, ТДИУ докторанти	
Агротехнологияларни молиялаштиришда банк кредитларининг роли	250
Жоллыбеков Владимир Бахтиярович Қорақалпогистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти мустақил изланувchisi.	



<u>Яшил иқтисодиётни шакллантиришда хориж тажрибаси</u>	259
Мухторова Индира Яшарбек қизи, ТДИУ, асистенти	
<u>Methodological principles of using human resources in the activity of small business subjects</u>	262
Yusupov Abbosxon Aliyevich Senior lecturer at Kokand University	
<u>Кўчмас мулк солигини жорий этишнинг афзалликлари</u>	266
Сафаров Фиёсиддин Абдуллаевич, Тошкент молия институти мустақил изланувчиси	
<u>Минатақалар баркарор ривожланишида Ўзбекистоннинг экологик-иктисодий жиҳатлари</u>	273
Адилова Марғуба Турсуналиевна, ТДИУ катта ўқитувчиси	
<u>Чакана савдо корхоналари жойлашувишининг уларнинг иқтисодий фаолиятига таъсири</u>	279
Иброҳимов Омонжон Ботир ўғли, ТДИУ магистранти	
<u>Харажатларни хисоби ва маҳсулотнинг таннархини калькуляция килиш</u>	284
Махкамова Саида Гайратовна, ТДИУ катта ўқитувчиси	
<u>Improving investment strategy for the economic development of uzbekistan</u>	291
Махкамова Саида Гайратовна, ТДИУ катта ўқитувчиси	
<u>Рақамли иқтисодиёт – янгиланаётган Ўзбекистонда IT платформалари</u>	300
Тохирова Рисолат Абдушукур қизи, Тошкент Архитектура-қурилиш университети талабаси Илмий раҳбар: О.Ш Маманазаров, и.ф.н. проф.	
<u>Замонавий ёшларнинг ижтимоий фаполлигини оширишда миллий қадрятларнинг ўрни</u>	304
Шомуродов Мехриддин Шотўра ўғли, Ёшлар Ишлари Агентлиги Чилонзор тумани "Шуҳрат" маҳалласи ёшлар етакчиси	



БОШ МУҲАРРИР:

Шарипов Конгратбай Аvezimbetovich

БОШ МУҲАРРИР ЎРИНБОСАРИ:

Каримов Норбой Faniyevich



Таҳрир ҳайъати:

- Раэ Квон Чунг, Жанубий Кореа, фахрий профессори, «Нобель» мукофоти лауреати
- Салимов Оқил Умрзоқович, ЎзФА академиги
- Абдураҳмонов Қаландар Ходжаевич, ЎзФА академиги
- Осман Местен, Туркия парламенти аъзоси, Туркия – Ўзбекистон дўстлик гурухи раҳбари
- Тошкулов Абдуқодир Ҳамидович, и.ф.д., проф., Ўз Президентининг ЁФТССМСММ ўринбосари
- Бузрукхонов Сарвархон Мунаввархонович, и.ф.д., ОТФИ вазири ўринбосари
- Шарипов Конгратбай Авазимбетович, т.ф.д., проф., ТДИУ ректори
- Обламурадов Нарзулла Наимович, и.ф.н., доц., ЎзРТР вазири ўринбосари
- Джуманиязов Мақсуд Алланазарович, ҚҚР ТРҚ раиси
- Эшов Мансур Пўлатович, и.ф.д., проф., АФБ проректор
- Худойкулов Садирдин Каримович, и.ф.д., проф., ЁМММИББ проректор
- Абдураҳманова Гулнора Қаландаровна, и.ф.д., проф., ИИИБ проректор
- Калонов Мухиддин Бахритдинович, и.ф.д., проф., Ўз ИРИАМИТМ директори, проректор
- Юлдашев Мақсуд Абдуллаевич, п.ф.д., проф., Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор
- Каримов Норбой Faniyevich, и.ф.д., ТДИУ проф. Таълим инспекцияси бўлими бошлиғи
- Самадов Асқаржон Нишонович, и.ф.н., ТДИУ проф.
- Юлдашев Муталлиб Ибрагимович, и.ф.д., проф.
- Ҳакимов Назар Ҳакимович, ф.ф.д. ТДИУ проф.
- Ахмедов Дурбек Кудратиллаевич, и.ф.д., проф., Ўз Р ОМҚП БИИҚ раиси ўринбосари
- Утаев Укташ Чориевич, ЎзР Баш прокуратураси бошқарма бошлиғи ўринбосари
- Очилов Фарҳод, ЎзР Баш прокуратураси ИЖҚҚД бўлим бошлиғи
- Слизовский Дмитрий Егорович, т.ф.д., РХДУ проф.
- Мустафакулов Шерзод Игамбердиевич, и.ф.д., проф., Халқаро «NORDIK» университети ректори
- Алиев Бекдавлат, ф.ф.д., ТДИУ проф.
- Пўлатов Бахтиёр Алимович, т.ф.д., проф., АМТМҚТИТ институти директори
- Ахмедов Жавоҳир Жамолович, и.ф.д.(PhD), «Эл-юрт умиди» ЖИД ўринбосари в.б.
- Исақов Жанабай Якубаевич, и.ф.д., ТДИУ проф.
- Тохиров Жалолиддин Очил ўғли, т.ф.д.(PhD), ТАҚИ катта ўқитувчisi
- Камилова Ирода Хуснидиновна, и.ф.д (PhD), ТДИУ доц.
- Носирова Наргиза Жамолиддин қизи, и.ф.д (PhD), ТДИУ доц.
- Рустамов Илҳомиддин, ф.ф.н., ФарДу доц.

Экспертлар кенгаши:

Ҳакимов Назар Ҳакимович, ф.ф.д. ТДИУ проф. ЭК раиси

Ҳакимов Зиёдулла Аҳмадович, и.ф.д (PhD), ТДИУ доц.

Алимарданов Тўлқин Турдиевич, с.ф.д., проф.

Исройлов Баҳодир Ибрагимович, и.ф.д., проф.

Тухтабаев Жамшид Шарафетдинович, и.ф.ф.д (PhD), ТДИУ доцент

Имомкулов Тўлқин Бурхонович, и.ф.д (PhD), ТДИУ доцент

Муассис: «Ma`rifat-print-media» МЧЖ

Ҳамкорларимиз: ЎзР Табиат ресурслари вазирлиги,

ЎзР Баш прокуратураси ҳузуридаги ИЖҚК департаменти,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети.

«Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot» журнали ЎзР

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раёсатининг 2023-йил 1-апрелдаги 336/3-сонли қарори билан рўйхатдан ўтган.